

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**НУКУС ФИЛИАЛИ**

**ҚУТЛИМУРАТОВ ЮСУП ҚУЛБАЕВИЧ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ**  
**ИХТИСОСЛАШТИРИШ ВА ЖОЙЛАШТИРИШНИ ЭКОЛОГИК**  
**МОДЕЛЛАР АСОСИДА ОПТИМАЛЛАШ АЛГОРИТМЛАРИ**

05.01.02 – Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш

**ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Кутлимуратов Юсуп Кулбаевич**

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва жойлаштиришни  
экологик моделлар асосида оптималлаш алгоритмлари.....5

**Кутлимуратов Юсуп Кулбаевич**

Алгоритмы оптимизации размещения и специализации  
сельскохозяйственного производства на основе экологических моделей .....21

**Qutlimuratov Yusup Qulbaevich**

Algorithms for optimizing the placing and specialization of agricultural production  
on the basis of ecological models.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....43

**ЎОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
НУКУС ФИЛИАЛИ**

**ҚУТЛИМУРАТОВ ЮСУП ҚУЛБАЕВИЧ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ  
ИХТИСОСЛАШТИРИШ ВА ЖОЙЛАШТИРИШНИ ЭКОЛОГИК  
МОДЕЛЛАР АСОСИДА ОПТИМАЛЛАШ АЛГОРИТМЛАРИ**

05.01.02 – Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш

**ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида  
B2017.4.PhD/TS06 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиалида  
бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш  
веб-саҳифасида ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) ва "Ziyouet" Ахборот таълим порталида ([www.ziyouet.uz](http://www.ziyouet.uz))  
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Утеулиев Ниетбай Утеулиевич  
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кабулов Анвар Васильевич  
техника фанлари доктори, профессор  
Тухтаназаров Дилмурод Солижонович  
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Ирригация ва сув муаммолари илмий-  
тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги  
DSc.27.06.2017.T.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил « 05 » май соат 16<sup>00</sup>  
даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳар, Амир Темуր кўчаси, 108-уй.  
Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс  
марказида танишиш мумкин (2573 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент  
шаҳар, Амир Темуր кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2019 йил « 19 » феврал кунин тарқатилди.  
(2019 йил « 15 » феврал даги 2 рақамли реестр баённомаси)



Р.Х.Хамдамов  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.М.Нуралнев  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

М.А.Рахматуллаев  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг замонавий босқичини таъминлайдиган, аҳоли эҳтиёжлари учун ишлаб чиқарилаётган экологик тоза маҳсулотларни етиштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида такомиллашган математик моделлар, табиий ресурслардан фойдаланишда сув ва ер ресурсларини тежайдиган оптималлаштириш усулларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқаришни оптималлаштириш ҳисобига экин майдонларини жойлаштириш ва бошқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда дунёнинг ривожланган мамлакатларида, жумладан АҚШ, Канада, Япония, Буюк Британия, Германия, Франция, Хитой, Россия Федерацияси ва бошқа давлатларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини оптималлаштириш асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда математик усуллар ишлаб чиқарилмоқда, қишлоқ хўжалиги доирасида лойиҳалаштириш, оптималлаш ва бошқаришнинг илмий асослари яратилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, турли математик моделлар яратиш ва оптималлаш асосида бошқарув қарорларини қабул қилиш тизимларини ишлаб чиқиш жараёнларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини оптималлаш масалаларини ҳал қилишнинг математик моделларини яратиш, алгоритмик ва бошқарув қарорларини қабул қилиш усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва жойлаштириш масаласининг экологик моделлари ва ечиш алгоритмларини яратиш зарур ҳисобланмоқда.

Республикамызда суғориладиган ерларда табиий ресурслардан экологик талабларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш ва уларни бошқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш, ... иқтисодий, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»<sup>1</sup> вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, хусусан, табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва жойлаштириш масалаларини ечиш имконини берувчи кўп мезонли математик моделлар, самарали ҳисоблаш ва қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 2 июлдаги ПҚ-3823-сон «Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигининг турли даражалардаги ишлаб чиқаришларини яхлит ёки қисмларини режалаштиришни оптималлашга ва чизикли дастурлашнинг умумий масалаларига асосланган бир қанча иқтисодий-математик моделлар ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ қилинган. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва жойлаштиришни оптималлаш, шунингдек табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари А.Дуннетт, G.Johann, Q.Tan, A.Udias, М.Е.Браславец, Т.С.Зайнчковская, Н.А.Звягин, Т.Изосимова, И.В.Колеснёв, О.В.Колесникова, А.П.Курносков, И.Н.Ляшенко, А.В.Кузнецов ва бошқа чет эллик олимларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган ва қисман ўрганилган.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва жойлаштириш, шунингдек табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш муаммолари В.Қ.Қобулов, В.А.Абдиразаков, М.З.Зиёходжаев, Т.Ф.Бекмуратов, Д.Т.Мухамедиева, С.Ч.Джалалов, Н.У.Утеулиев, Ш.Эргашева ва бошқа олимларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Юқорида айтиб ўтилган олимларнинг илмий ишларида муаммонинг айрим томонлари батафсил ўрганилганига қарамай, экологик-иқтисодий нуқтан назардан ўзига хос томонлари кам ўрганган, сув ресурсларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини оптимал ихтисослаштириш ва жойлаштириш масалалари кўп мезонли ёндашиш нуқтан назаридан етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали илмий-тадқиқот ишлари режасининг №БВ-Ф1-015 «Кўп мезонли стохастик дастурлаш масалалари моделлари ва ечиш методлари

тадқиқи» (2007-2011) мавзусидаги лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва жойлаштириш масалаларини оптималлаштиришнинг экологик моделларини, қарор қабул қилишнинг алгоритмик ва дастурий таъминотини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини таҳлил қилиш ва оптималлашга тизимли ёндашишнинг усулларини ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва жойлаштиришни оптималлаштиришнинг мезонлари ва чеклов шартларини ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва жойлаштиришнинг кўп мезонли экологик моделини ва сифат таҳлили усулларини ишлаб чиқиш;

икки мезонли экологик масалалар учун маргиналлик муносабатларини ўрнатиш ва ресурслар турғунлигини таҳлил қилиш;

кўп мезонли экологик-иқтисодий масалаларни ечишнинг дастурий мажмуаси тузилмасини, бошқариш қарорларини қабул қилишга кўмаклашувчи алгоритм асосида Парето тўпламини ишлаб чиқиш ва самарали ечимларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида экологик-иқтисодий нуқтан назардан сув ресурсларини ҳисобга олувчи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва жойлаштириш жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сув ресурсларининг танқислигини ҳисобга олувчи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини оптималлаш масалаларининг икки мезонли экологик моделлари, ечиш усуллари, бошқариш қарорларини қабул қилишга кўмаклашувчи алгоритмлар ва дастурий таъминотлардан ташкил топди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида математик моделлаштириш, математик дастурлашнинг иккилик назарияси, қаварик таҳлил, кўп мезонли оптималлаш, Парето тўпламининг самарали ечимларини топиш ва объектга йўналтирилган дастурлаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бир ўлчамли, кўп ўлчамли ва батафсил таҳлил қилиш ва оптималлашга тизимли ёндашишнинг усуллари ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва жойлаштириш масаласининг икки ва кўп мезонли экологик моделлари ва ечиш усуллари ишлаб чиқилган;

икки мезонли экологик модель учун маргиналлик муносабатлари ўрнатилган ва ресурслар турғунлиги асосида иқтисодий самарадорлик функциясини баҳолаш мезони ишлаб чиқилган;

кўп мезонли оптималлаштириш ва бошқарув қарорларини қабул қилишга кўмаклашувчи алгоритмлар асосида Парето тўпламини тузиш

алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва жойлаштиришнинг икки мезонли экологик моделлари, иккилик муносабатлари, оптималлик шартлари асосида ресурсларни баҳолаш ва иқтисодий самарадорликни аниқлаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва жойлаштириш масалаларини ечишнинг дастурий воситаси ишлаб чиқилган;

кўп мезонли масалаларни ечиш ва бошқарув қарорларини қабул қилишнинг мультимедиали воситасига асосланган мулоқотли дастурий мажмуаси яратилган;

қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришнинг икки мезонли экологик моделининг ечими вариантлари бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш альтернативалари ишлаб чиқарилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва жойлаштириш масалаларида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўли билан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун таклиф этилган икки мезонли экологик моделлаштиришнинг ва унинг ечимларини оптималлаштириш алгоритмлари ва усулларининг мутахассислар ва экспертлар томонидан қўллаб-қувватланганлиги, шунингдек ишлаб чиқилган дастурий воситанинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган оптимал ечимлар фермер хўжалиklarининг амалдаги маълумотларига солиштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва жойлаштиришда кўп мезонли моделлаштириш асосида оптималлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш орқали сув ресурслари истеъмолини камайтириш ва маҳсулдорликни ошириш, шунингдек иқтисодий самарадорлик функцияси кўрсаткичларини аниқлаш мезони ва қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлаш алгоритмлари учун яратилган мулоқотли дастурий мажмуанинг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва жойлаштиришнинг экологик моделларини алгоритмик ва дастурий воситаларини амалий жорий этиш натижасида қарор қабул қилувчи шахснинг ечим вариантларини танлашида, мониторинг ўтказишда ва мақбул қарорлар қабул қилишда кўргазмали график кўринишида фойдаланиши, шунингдек олинган натижалар сувдан тежамли фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини ошириш имкониятларига эгаллиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ишлаб чиқилган кўп мезонли экологик моделлар, оптималлаштириш ва бошқарув қарорларини қабул қилишга кўмаклашувчи алгоритмлар ва мулоқотли дастурий мажмуалар бўйича олинган илмий натижалар асосида:



параметрик дастурлашнинг алгоритмик усулларига доир «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва жойлаштириш масалаларини ечиш учун дастурий восита», «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва жойлаштиришнинг детерминирланган ва стохастик масалаларини ечиш учун мулоқотли дастурий мажмуа» дастурий воситаларидан бошқарув қарорларини қабул қилишда фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида «UNICON.UZ» ДУК томонидан хулоса берилган («UNICON.UZ» ДУКнинг 2018 йил 20 декабрдаги хулосаси). Натижада кулай график интерфейсга эга бўлган кўп мезонли масалаларни ечишнинг мулоқотли дастурий мажмуаси бошқарув қарорларини қабул қилишга кўмаклашувчи алгоритмлар асосида ечим вариантларини таҳлил қилиш имконини берган;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва жойлаштиришнинг икки мезонли экологик моделлари, иккилик муносабати, оптималлик шартлари, бошқарув қарорларини қабул қилишга кўмаклашувчи алгоритмлар асосида Парето тўпламини тузишнинг усули ва алгоритмлари Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани «Шортанбай» ва «Нукус» массивлари фермер хўжаликлари амалиётига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 19 ноябрдаги 33-8/8626-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини максималлаш мезони бўйича оптималлаштиришда йиллик ўсишни 5%дан 15%гача орттириш имкони яратилган;

сув ресурсларини ҳисобга олувчи экологик моделлар, кўп мезонли масалаларни ечишнинг ва бошқарув қарорларини қабул қилишнинг усул ва алгоритмлари асосида яратилган дастурий восита Нукус тумани «Шортанбай» ва «Нукус» массивлари фермер хўжаликлари амалиётига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 19 ноябрдаги 33-8/8626-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида сув истеъмоли минимуми мезони бўйича оптималлаштиришда сув истеъмоли режага нисбатан 8%дан 25%гача тежалишининг имкони яратилган;

ресурслар турғунлиги ва маргиналик муносабатлари асосида иқтисодий самарадорлик функциясини баҳолаш алгоритмлари ва усуллари Кегайли тумани фермер хўжаликлари амалиётига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 19 ноябрдаги 33-8/8626-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасини кўллаш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг йиллик ўсиши бўйича ресурслар турғунлигида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичини 3%дан 8%гача орттириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган ҳамда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси

бўйича 24 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, 2 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида нашр этилган ҳамда 2 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, - тадқиқотнинг республика фани ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, ишнинг янгиликлари, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлик ҳолати ҳамда нашр этилган ишлар ва диссертация ишининг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини оптималлаштириш масалаларининг тизимли таҳлили” бобида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши оптималлаштириш тизимлари интеграциялашган тизимли моделлаштириш нуқтаи назаридан таҳлил этилган. Бир мезонли, кўп мезонли ва батафсил таҳлилларнинг мақсади ва вазифалари қаралиб ўтилган.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқаришини таҳлил этиш ва оптималлаштиришга тизимли ёндашувнинг услубияти тамойиллари шакллантирилди ва улардан аҳамиятга моликликлари куйидагича келтирилди.

*Ривожланишлик тамойили* корхона қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тизими қисмининг амалдаги вазиятини таҳлили учун ҳам, тизим қисмини оптималлаштириш учун ҳам катта аҳамият касб этади. Ушбу тамойил таҳлил қилишда қўлланилиб, иқтисодий жараёнларни ўрганиш назарияси ва услубиятини умумий ривожланиб боришида унинг сифатини, шунингдек дастлабки ахборотларни тайёрлаш услубиятини такомиллаштиришдан ташкил топади.

*Тузилмавийлик тамойили* дастлабки ахборотларни корхона қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини амалдаги вазиятини таҳлил этиш учун ҳам, оптималлаштириш масаласини ечиш учун ҳам тузилмалашни тақазо этади.

*Бутунлилик тамойили* объектнинг амалдаги вазиятини ва табиатини ҳар томонлама таҳлил қилишни амалга ошириш имконини берувчи ахборотлар базасининг шакллантирилишини тақазо этади.

*Мослашувчанлик тамойили* дастлабки ахборотни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида эришилган даражасининг бир ўлчамли, кўп ўлчамли, батафсил таҳлилига мос ҳолда тайёрлашни тақазо этади. Ушбу тамойилни

ҳисобга олиш билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ўзгарувчи шароитларга, шунингдек келгусида ишлаб чиқариш самарадорлигини орттириш масалаларига мос ҳолда оптималлаштириш ва таҳлил қилишининг мақсадли қўйилиши аниқлаштирилади.

*Вариантlilik тамойили* режалаштириш учун алоҳида аҳамият касб этади. Тизимнинг ривожланишига келгусида ортиб борувчи турли омиллар таъсирларининг ноаниқлиги сабабли турли омилларнинг мумкин бўлган таъсирининг устунлигини акслантирувчи вариантлар бўйича режалар ишлаб чиқишни талаб этади.

*Динамиклик тамойили* қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг амалдаги вазиятини таҳлил қилишга нисбатан уни ҳисобот даври йиллари бўйича динамик қўринишда ўтказишни тақазо этади. Ушбу тамойил ҳосилдорликнинг батафсил таҳлилини динамик – келгуси йиллар ёки келажак даврига ажратилган вақт оралиқлари бўйича амалга ошириш зарурлигини келтириб чиқаради.

*Оптималлик тамойили* қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни оптималлаштиришда айниқса алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу тамойил оптимал режалаштиришнинг мақсадли ўрнатмаларини имкон қадар тўла амалга оширишни, бериладиган турли мақсадли ўрнатма нуқтаи назардан кўп вариантли ҳисоблашларни ишлаб чиқишни талаб қилади.

*Самарадорлик тамойили* қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳолатини таҳлил қилиш, шунингдек корхонанинг самарали ишлаши учун ишлаб чиқаришни оптималлаштириш билан бевосита боғлиқ. Самарадорлик тамойилини ҳисобга олиш билан бир ўлчамли, кўп ўлчамли ва батафсил таҳлил учун ҳам, қишлоқ хўжалиги корхонасида ишлаб чиқаришни режалаштириш учун ҳам дастлабки ахборотларни интеграллашган банкларини ишлаб чиқишни амалга ошириш зарур бўлади. Мазкур тамойилга мос ҳолда ахборот массивлари тузилмаси яратилади, уларни ишлаб чиқаришни оптималлаштиришнинг муайян моделига мақсадли йўналтириш масаласи қаралади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини оптимал ихтисослаштириш ва жойлаштиришнинг базавий моделига кўра қуйидаги чизикли функция экстремал қийматларга эришадиган  $x_{jk}$  режа топилади:

$$z = \sum_{j=1}^n \sum_{k=1}^r c_{jk} x_{jk},$$

$$\sum_{i=1}^n a_{ijk} x_{jk} \leq b_{ik}, (i = \overline{1, n}), \quad \sum_{j=1}^n \sum_{k=1}^r \bar{a}_{ijk} x_{jk} \geq A_j, (j = \overline{1, m}), \quad x_{jk} \geq 0, (j = \overline{1, n}, k = \overline{1, r});$$

бу ерда  $j$  – соҳа тури;  $i$  – ресурс тури;  $k$  – минтақа;  $a_{ijk}$  –  $k$ -минтақадаги  $j$ -соҳада  $i$ -турнинг харажати меъёри;  $\bar{a}_{ijk}$  – экиннинг ҳосилдорлиги ва чорвачилик маҳсулотларининг  $k$ -минтақадаги унумдорлиги;  $b_{ik}$  –  $i$ -турнинг  $k$ -минтақадаги ресурс ҳажми;  $A_j$  –  $j$ -соҳа ишлаб чиқаришининг кафолатланган ҳажми;  $c_{jk}$  –  $k$ -минтақадаги  $j$ -соҳани баҳолаш бирлиги

ҳажми;  $x_{jk} - k$ -минтақадаги  $j$ -соҳа ҳажми.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини моделлаштириш, оптималлаш, таҳлил қилиш мажмуасининг умумий ташкилий тузилмаси ишлаб чиқилган. Моделлаштириш, оптималлаш усуллари ва бошқарув қарорларини қабул қилиш масалалари тадқиқ қилинган.

Тадқиқот мақсади ва вазифаларининг қўйилишида моделни танлашнинг экологик, табиий ва иқтисодий шароитларга асосланиши, ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланиши ва унинг иқтисодий самарадорлигини таъминлашга йўналтириши келтирилган.

Мазкур бобда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тизимли моделлаштириш асосида таҳлил қилиш ва оптималлашнинг муаммоли масалаларига алоҳида ўрин ажратилган.

Диссертациянинг иккинчи “Ишлаб чиқариш объектларини ихтисослаштириш ва жойлаштириш масалаларини оптималлаштириш” бобида оптималлик шартлари ва иккилик муносабатлари тадқиқ қилинган, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва жойлаштириш масалалари учун кўп мезонли экологик-иқтисодий моделлар ишлаб чиқилган.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг экологик-иқтисодий математик модели мезонлари қуйидагича шакллантирилди:

1) Экинлар ва чорвачилик маҳсулотлари бўйича фойда максимумига асосланган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва жойлаштиришнинг экологик-иқтисодий математик моделининг асосий мезони қуйидагича аниқланди:  $F_1(x, z) = \sum_{i \in I} \sum_{j \in J_1} \sum_{k \in K_i} p_{ijk} x_{ijk} + \sum_{i \in I} \sum_{v \in J_2} p_{iv} z_{iv} \rightarrow \max;$

2) Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида экинлар ва чорвачилик маҳсулотлари бўйича капитал маблағлар минимуми бўйича қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва жойлаштиришнинг экологик-иқтисодий математик модели мезони қуйидагича бўлди:

$$F_2(x, z) = \sum_{i \in I} \sum_{j \in J_1} \sum_{k \in K_i} c_{ijk} x_{ijk} + \sum_{i \in I} \sum_{v \in J_2} \bar{c}_{iv} z_{iv} \rightarrow \min;$$

3) Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида экинлар ва чорвачилик маҳсулотлари сув истеъмоли минимуми бўйича қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва жойлаштиришнинг экологик мезони қуйидагича бўлди:  $F_3(x, z) = \sum_{i \in I} \sum_{j \in J_1} \sum_{k \in K_i} \beta_{ijk} x_{ijk} + \sum_{i \in I} \sum_{v \in J_2} \bar{\beta}_{iv} z_{iv} \rightarrow \min;$

4) Қишлоқ хўжалигида экин ва чорвачилик маҳсулотлари бўйича режага нисбатан максимал ишлаб чиқаришнинг иқтисодий-математик моделининг асосий мезони қуйидагича бўлди:

$$h_1 \rightarrow \max, \sum_{i \in I} \sum_{k \in K_i} a_{ijk} x_{ijk} - \sum_{i \in I} y_{ij} \geq A_j h_1, \sum_{i \in I} z_{iv} \geq B_v h_1;$$

5) Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва жойлаштиришнинг экин ва чорвачилик маҳсулотлари бўйича режага нисбатан сув истеъмоли минимумига асосланган экологик моделининг

асосий мезони қуйидагича бўлади:  $h_2 \rightarrow \min, \sum_{j \in J_1^k \in K_1} \beta_{jk} x_{jk} + \sum_{v \in J_2} \bar{\beta}_{iv} z_{iv} \leq Q_1 h_2$ .

Ушбу мезонларга қуйидаги шартларнинг бажарилиши асосий талаб қилиб қўйилади:

1. Минтақа туманларида экин экиш учун фойдаланиладиган ер майдони унинг мавжуд микдоридан ошмаслиги зарур.

2. Ҳар бир туманда экин туридан олинadиган жами маҳсулот ҳажми унга бўлган талабдан кам бўлмаслиги керак.

3. Ҳар бир туманда чорвачилик маҳсулотларидан олинadиган жами маҳсулот ҳажми унга бўлган талабдан кам бўлмаслиги керак.

4. Ҳар бир туманда экин ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун сарфланадиган сув ҳажми ушбу туман учун ажратилган сув ресурси лимитидан ошмаслиги керак.

5. Ҳар бир туманда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун сарфланадиган ем-хашак микдори билан унинг истеъмоли ўртасидаги мувозанат сақланиши керак.

6. Туман хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланадиган меҳнат харажатлари уларнинг мавжуд микдоридан ошмаслиги керак.

7. Туман хўжаликларида айрим экин турларининг экиш майдони аввалдан белгиланган чегара доирасида бўлиши керак.

8. Туман хўжаликларида экин ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда қўлланиладиган ифлослантирувчиларнинг жами ҳажми муҳит учун ушбу ифлослантирувчиларнинг рухсат этилган максимал даражасидан ошмаслиги керак.

9. Туман хўжаликларида экин ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда ишлатилган жами моддий хом-ашёларнинг ҳажми хўжаликларда мавжуд бўлган ушбу моддий ресурс ҳажмидан ошмаслиги керак.

Ушбу шартлар учун ресурсларга бўлган чекловлар қуйидаги кўринишга эга бўлади:  $\sum_{j \in J_1^k \in K_1} b_{ijk}^{1w} x_{jk} - \sum_{j \in J_1^k \in K_1} b_{ij}^{2w} y_{ij} + \sum_{j \in J_1^k \in K_1} b_{iv}^{3w} z_{iv} \leq T_i^w$ ;

бунда  $x_{jk}$  –  $i$ -хўжалик  $k$ -ер типида  $j$ -экин учун ажратилган ер майдони;  $y_{ij}$  –  $i$ -хўжаликда ем-хашак сифатида фойдаланиладиган  $j$ -экин маҳсулотининг микдори;  $z_{iv}$  –  $i$ -хўжаликда ишлаб чиқариладиган  $v$ -чорвачилик маҳсулотининг микдори;  $a_{ijk}$  –  $i$ -хўжалик  $k$ -ер типидаги  $j$ -экиннинг ҳосилдорлиги;  $p_{ijk}$  –  $i$ -хўжалик  $k$ -ер типида  $j$ -экиндан олинadиган фойда бирлиги;  $\bar{p}_{iv}$  –  $i$ -хўжалик  $v$ -чорвачилик маҳсулотидан олинadиган фойда бирлиги;  $c_{ijk}$  –  $i$ -хўжалик  $k$ -ер типидаги  $j$ -экин учун ишлатиладиган капитал маблағ бирлиги;  $\bar{c}_{iv}$  –  $i$ -хўжалик  $v$ -чорвачилик маҳсулоти учун ишлатиладиган капитал маблағ бирлиги;  $A_j$  –  $j$ -экин маҳсулоти бўйича давлат буюртмаси ёки маҳаллий истеъмолчилар талаби микдори;  $B_v$  –  $v$ -

чорвачилик маҳсулоти бўйича давлат буюртмаси ёки маҳаллий истеъмолчилар талаби;  $q_{ijk}$  –  $k$ -тип ер майдони бирлигида  $j$ -экинни етиштиришга тўғри келадиган  $l$ -моддий ресурсларнинг сарфланиш меъёри;  $\bar{q}_{lv}$  –  $v$ -чорвачилик маҳсулотига  $l$ -моддий ресурсларнинг сарфланиш меъёри;  $M_{il}$  –  $i$ -хўжаликдаги  $l$ -моддий ресурс ҳажми;  $\beta_{ijk}$  –  $i$ -хўжалик  $k$ -тип ер бирлик майдонида  $j$ -экинни етиштириш учун сув истеъмоли меъёри;  $\bar{\beta}_{lv}$  –  $i$ -хўжалик  $v$ -чорвачилик маҳсулоти учун сувни сарфлаш меъёри;  $Q_i$  –  $i$ -хўжаликнинг сув ресурслари ҳажми;  $S_i$  –  $i$ -хўжалик ер майдонининг умумий ҳажми;  $D_{mi}$  –  $i$ -хўжаликда  $m$ -ифлослантурувчининг рухсат этилган максимал даражаси;  $\gamma_{mjik}$  –  $k$ -тип ерда  $j$ -тур экин маҳсулотини етиштиришда муҳитнинг  $m$ -ифлослантурувчи билан зарарланиш коэффициенти;  $\bar{\gamma}_{mv}$  –  $v$ -чорвачилик маҳсулотини ишлаб чиқаришда муҳитнинг  $m$ -ифлослантурувчи билан зарарланиш коэффициенти;  $I$  – хўжаликлар индекслари тўплами;  $J'_1$  –  $i$ -хўжаликдаги экин маҳсулотлари индекслари тўплами;  $J'_2$  –  $i$ -хўжаликдаги чорвачилик маҳсулотлари индекслари тўплами;  $R$  – ем-хашак турлари индекслари тўплами;  $L_i$  –  $i$ -хўжаликдаги моддий ресурслар турлари тўплами;  $M$  – экологик ресурслар индекслари тўплами.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва жойлаштиришнинг икки мезонли экологик-иқтисодий модели куйидаги (1)-(11) кўринишга эга бўлади:

$$f_1(x, y, z, h_1, h_2) = h_1 \rightarrow \max, \quad (1)$$

$$f_1(x, y, z, h_1, h_2) = h_2 \rightarrow \min, \quad (2)$$

$$\sum_{i \in I} \sum_{k \in K_i} a_{ijk} x_{ijk} - \sum_{i \in I} y_i \geq A_j h_1, j \in J'_1 \quad (3)$$

$$\sum_{i \in I} z_{iv} \geq B_v h_1, v \in J'_2 \quad (4)$$

$$\sum_{j \in J'_1} \sum_{k \in K_i} \beta_{ijk} x_{ijk} + \sum_{v \in J'_2} \bar{\beta}_{lv} z_{iv} \leq Q_i h_2, i \in I \quad (5)$$

$$\sum_{j \in J'_1} x_{jr} y_j - \sum_{v \in J'_2} b_{rv} z_{iv} \geq 0, i \in I, r \in R \quad (6)$$

$$\sum_{j \in J'_1} \sum_{k \in K_i} \gamma_{mjik} x_{ijk} + \sum_{v \in J'_2} \bar{\gamma}_{mv} z_{iv} \leq T_i, i \in I \quad (7)$$

$$\sum_{j \in J'_1} \sum_{k \in K_i} \gamma_{mjik} x_{ijk} + \sum_{v \in J'_2} \bar{\gamma}_{mv} z_{iv} \leq D_{mi}, i \in I, m \in M \quad (8)$$

$$\sum_{j \in J'_1} \sum_{k \in K_i} q_{ijk} x_{ijk} + \sum_{v \in J'_2} \bar{q}_{lv} z_{iv} \leq M_{il}, i \in I, l \in L_i \quad (9)$$

$$\sum_{j \in J'_1} \sum_{k \in K_i} x_{ijk} \leq S_i, i \in I \quad (10)$$

$$x_{ijk} \geq 0, y_j \geq 0, z_{iv} \geq 0, (i \in I, j \in J'_1, v \in J'_2, n \in N) \quad (11)$$

(1)-(11) икки мезонли масалани чизикли дастурлашнинг параметрик масаласига келтирамиз. Бунинг учун  $\alpha_1 \geq 0, \alpha_2 \geq 0, \alpha_1 + \alpha_2 = 1$  параметрларини киритамиз ва (3)-(11) чеклашларда, (1)-(2) учун мезонлар мажмуи (чизикли мезонлар тўплами) қуйидагича тузилди:

$$G_1(x, y, z, \bar{h}_1, \bar{h}_2) = \alpha_1 \bar{h}_1 - \alpha_2 \bar{h}_2 \rightarrow \max \quad (12)$$

бунда  $\bar{h}_1 = h_1 / h_1^{\max}, \bar{h}_2 = h_2 / h_2^{\max}$  – меъёрлаштирилган ўзгарувчилар.

(12), (3)-(11) масалалар учун иккилик масаласи тузилди ва у қуйидаги шаклга эга бўлди:

$$G_2(u, \vartheta, \bar{u}, d, \Lambda, \rho, \mu, \omega) = \sum_{i \in I} T_i \Lambda_i + \sum_{i \in I} S_i \omega_i + \sum_{m \in M} \sum_{l \in L} D_{ml} \rho_{ml} + \sum_{i \in L} \sum_{l \in L} M_{il} \mu_{il} \rightarrow \min, \quad (13)$$

$$t_{ijk} \Lambda_i + \beta_{ijk} \bar{u}_i + \omega_i + \sum_{i \in L} q_{ijk} \mu_{il} + \sum_{m \in M} \gamma_{mjk} \rho_{mj} - a_{ijk} u_j \geq 0, \quad (14)$$

$$u_j - \sum_{r \in R} \chi_{jr} d_{ir} \geq 0, \quad (15)$$

$$\sum_{r \in R} b_{rv} d_{ir} + \tau_{iv} \Lambda_i + \bar{\beta} \bar{u}_i + \sum_{i \in L} \bar{q}_{iv} \mu_{il} + \sum_{m \in M} \bar{\gamma}_{mv} \rho_{mi} - \vartheta_v \geq 0, \quad (16)$$

$$\sum_{j \in J'_1} A_j u_j + \sum_{v \in J'_2} B_v \vartheta_v \geq \alpha_1, \quad (17)$$

$$\sum_{j \in J'_1} Q_j \bar{u}_i \leq \alpha_2, \quad (18)$$

$$u_j \geq 0, \vartheta_v \geq 0, \bar{u}_i \geq 0, d_{ir} \geq 0, \Lambda_i \geq 0, \rho_{mi} \geq 0, \omega_i \geq 0, \mu_{il} \geq 0 \quad (19)$$

(12), (2)-(11) ва (13)-(19) масалалар параметрик чизикли дастурлашнинг ўзаро иккилик масалалари бўлишини таъкидлаб ўтиш зарур. Иккиликни биринчи ва иккинчи теоремалари мос ҳолда бу масала учун тўғри бўлиб, улар қуйидаги шаклда ёзилади.

**1-теорема.** Агар иккилик жуфтлигининг (12), (3)-(11) ва (13)-(19) масалаларидан хоҳлаган бири ҳар қандай  $\alpha_1 \geq 0, \alpha_2 \geq 0$  қийматларда ечимга эга бўлса, унда иккинчи масала ҳам ечимга эга бўлади. Бундан ҳар қандай

$X^* = \{x_{ijk}^*, y_j^*, z_{iv}^*, \bar{h}_1^*, \bar{h}_2^*\}$  ва  $Y^* = \{u_j^*, \vartheta_v^*, \bar{u}_i^*, d_{ir}^*, \Lambda_i^*, \rho_{mi}^*, \mu_{il}^*, \omega_i^*\}$  оптимал ечимлар учун қуйидаги тенглик ўринли бўлади:  $G_1(X^*) = G_2(Y^*)$ .

**2-теорема.** (12), (3)-(11) масаланинг мумкин бўлган  $X^*$  ечимлари оптимал бўлиши учун шундай  $Y^*$  миқдорлар мавжуд бўлиб, қуйидаги муносабатларнинг бажарилиши зарур ва етарлидир:

$$(x_{ijk}^*, t_{ijk} \Lambda_i^* + \beta_{ijk} \bar{u}_i^* + \omega_i^* + \sum_{i \in L} q_{ijk} \mu_{il}^* + \sum_{m \in M} \gamma_{mjk} \rho_{mj}^* - a_{ijk} u_j^*) = 0, (y_j^*, u_j^* - \sum_{r \in R} \chi_{jr} d_{ir}^*) = 0,$$

$$(z_{iv}^*, \sum_{r \in R} b_{rv} d_{ir}^* + \tau_{iv} \Lambda_i^* + \bar{\beta} \bar{u}_i^* + \sum_{i \in L} \bar{q}_{iv} \mu_{il}^* + \sum_{m \in M} \bar{\gamma}_{mv} \rho_{mi}^* - \vartheta_v^*) = 0,$$

$$(\bar{h}_1, \sum_{j \in J_1} A_j u_j^* + \sum_{v \in J_2} B_v v^* - \alpha_1) = 0, (\bar{h}_2, \alpha_2 - \sum_{j \in J_1} Q_j \bar{u}_j) = 0.$$

Диссертациянинг учинчи “Бошқарув қарорларини қабул қилишга қўмақлашувчи алгоритмлар ва дастурларни ишлаб чиқиш” бобида бошқариш тизимларини математик моделлаштиришга чизиқли дастурлашнинг кўп мезонли масалаларини қўллашнинг алгоритмлари кўриб чиқилган.

Экологик-иқтисодий математик моделларни назарий тадқиқ қилишда, шунингдек оптималлаш моделлари турғунлигини тадқиқ қилишда маргинал муносабатлар катта аҳамиятга эга. Шу муносабатда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган ресурсларни баҳолаш қишлоқ хўжалиги корхоналари учун долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Куйида мазкур иш бўйича қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва жойлаштириш масаласи учун маргиналлик муносабатларининг ўрнатилишини келтираемиз. Унинг учун (12), (3)-(11) масалалар чекловлари векторининг кичик ўзгаришларида мақсад функцияси ўзгаришини таҳлил қилишга ўтаемиз.

(12), (3)-(11) масаланинг оптимал ечимини ресурслар миқдори вектор-функцияси сифатида қараймиз. Куйидаги теорема ўринли бўлади:

**3-теорема.** Айтайлик, (12), (3)-(11) масала учун 1- ва 2-теоремалар шартлари бажарилсин ва иккилик масаласи мумкин бўлган  $U$  ечимлар тўплами чекланган бўлсин. У ҳолда куйидаги баҳолаш ўринли бўлади:

$$G_1(P + \varepsilon) = G_1(\varepsilon_1, \varepsilon_2, \varepsilon_3, \varepsilon_4, T + \varepsilon_5, D + \varepsilon_6, M + \varepsilon_7, S + \varepsilon_8) = G_1(0, 0, 0, 0, T, D, M, S) + \\ + \gamma \min_{\bar{u}, \bar{v}} \left[ (\varepsilon_1, u) + (\varepsilon_2, v) + (\varepsilon_3, \bar{u}) + (\varepsilon_4, d) + (\varepsilon_5, \Lambda) + (\varepsilon_6, \rho) + (\varepsilon_7, \mu) + (\varepsilon_8, \omega) \right] + o(\gamma);$$

бу ерда  $P$  – масаланинг ресурслари тўплами;  $\varepsilon = (\varepsilon_1, \varepsilon_2, \varepsilon_3, \varepsilon_4, \varepsilon_5, \varepsilon_6, \varepsilon_7, \varepsilon_8)$  – ресурсларнинг ўзгариш вектори;  $\gamma (> 0)$  – чексиз кичик миқдор;  $U$  – (13)-(19) иккилик масаласининг мумкин бўлган ечимлари тўплами.

Мазкур бобда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва жойлаштиришнинг икки мезонли экологик-иқтисодий масаласи ресурсларнинг ўзгаришларига нисбатан иккилик баҳоларининг турғунлик интервалларини ҳисоблаш алгоритмлари қаралган.

Айтайлик, (12), (3)-(11) масаланинг ресурслари ўзгарувчан бўлсин. Унда (12) мақсад функциясининг максимал қийматини, 1-теорема бўйича  $G_1(X^*) = G_2(Y^*)$  тенгликни ҳисобга олган ҳолда, ресурслар ўзгаришини куйидаги функция сифатида қараймиз:

